

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

ИННОВАЦИЯ

“ROBOT.UZ — 2021”: ТЕХНИКАГА ҚИЗИҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ КАШФ ЭТМОҚДА

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Тошкент давлат техника университетининг яшил боғи. Баҳор гулларининг нафис ифори уфуриб турган бу майдонда қушларнинг чўғур-чўғурига юзлаб ёшларнинг шовқинсуруни уланиб, ажиб бир манзарани ҳосил қилган. Бу ерда қўлида турли дастгоҳларни ушлаб олганча қандайдир вазиқларни бажарётган йигит-қизларни кўрасиз. Улар катта-кичикми робот ясашга уринган ва қайсидир маънода бунинг улдасидан чиқаётган ёшлардир.

ҳамкорлигида ташкил этилган танловга Тошкент давлат техника университетида старт берилди.

— Ушбу танловни илк бор 2018 йилда ўтказганимизда унда 60 нафардан ортиқ талаба катнашган эди, — дейди университет ректори Садриддин Турбожонов. — Ушундан бу тadbирда мактаб ўқувчилари ҳам қатнашиш истагини билдиришди. Орадан бир йил ўтиб, ўқувчи ёшлар ҳам жалб этилиб, иштирокчилар сони 300 нафардан ошиб кетди. Бу йил 600 га яқин ишланма қўриқлаётгани эса танлов камрови кенгайиб, қизиқувчилар сони илдан-йилга ортиб бораётганидан далolat беради. Ушбу танловни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида илмий-техник ижодкорликни оmmалаштириш, уларнинг замонавий техника ва технологияга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, ижодий тафаккур ва яратувчанлик қобилиятини ривожлантиришдир.

Тадбир очик деб эълон қилинган, иштирокчилар тақдим этган лойиҳа ва ишланмалари билан танишиш бошланди. Ҳар бир ишланмада ёшларнинг қалби, иштиқи ва меҳнати мужассам. Уларга қараб туриб, яқин келажақда Ўзбекистонни дунёга танитадиган инновациялар яратилишига умид уйғонади.

Анджонлик Ҳожимурод Абдусаломов Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси. У ўз гуруҳидаги тендошлари ва шогирдлари билан ўзи юрадиган, камера орқали кузатиб, тасвирлар ёздириган ва муайян гапларни айта оладиган робот яратган. Унинг айтишича, ёшларни соҳага қизиқтиришда бу каби ишланмаларнинг ўрни катта.

— Танлов техника ҳамда технологияларни ургатиш ёшлиқдан бошланиши, бунга эътибор қаратиш кераклигини кўрсатмоқда, — деди техника фанлари доктори, профессор, “Artel” компанияси илмий маслаҳатчиси Александр Иванов. — Болалигимизда фантастик фильмларни кўрадиган ва ундаги техника-технология мўъжизаларига ҳайрат билан қарардик. Бугун 9 ёшли болакай роботни ҳаракатга келтирмоқда, биз кўрган фантастик фильмларни ҳаётда жонлантирмоқда. Ҳаёт шунчалик тез ривожланмоқда. Беш йилдан кейин дунёда қандай оламшумул янгилик бўлишини билмаймиз. Шунинг учун айна пайтда ёшларни техника оламига олиб кириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

Танлов доирасида 9-15 ёшдаги ўқувчилар ўртасида робо-рутбол, робо-сумо, кегельринг, 16-25 ёшдаги иштирокчилар орасида эса фойдали иш бажарувчи роботлар танлови, мобил роботлар пойғаси, робо-футбол, робо-сумо, интеллект даражасини намойиш қилиш каби номинациялар бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Натижалар бўйича голдлар эса категорияларига қараб I, II ва III даражали диплом ва эсдалик совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.



Илҳом ХОЛМУРАТОВ, тилшунос тадқиқотчи

1995 йил 15 майда қабул қилинган лотин ёзуви ўзбек алифбоси турли кўринишларни ўзига мужассам этган мураккаб шаклда тақдим этилди:

биринчидан, ўша вақтга қадар ўзбек тили учун янгилик бўлган харфий бирикмалар (кейинги ўринларда — диаграфлар) — **sh, ch, ng** киритилди. Бунга сабаб сифатида жаҳон тилларини ўзлаштиришнинг нисбатан осон бўлиши, янги ўзбек алифбосини халқаро миқёсда кенг истеъмолда бўлган алифболар билан интеграция қилиш мақсадида тафовутнинг кам бўлиши кўрсатилган эди;

иккинчидан, **Ў** ва **Ғ** харфлари учун лотин алифбосида диакритик белгилари қўриши танланди (**O'ó**, **G'g'**);

учинчидан, иккинчисига боғлиқ бўлган муаммоли, дунёдаги лотин ёзуви тиллардаги “ноёб ҳодиса” — харфини фарқлаш белгиси (!) — “окинта” билан ажратиш имлоини галати кўринишига олиб келди;

тўртинчидан, алифбода (хат, мих сўзларини ёзиш учун) **Хх** харфини ифодалаш танланди. Бу харф аслида лотин ёзувида ёнма-ён келган **-кс** товушлари учун ёзилди.

Мазкур ҳолат ўша вақтда қабул қилинган лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида асосатиллик касб этди. Ваҳоланки, 1993 йилда қабул қилинган алифбода **ш, с, й** харфий шакллари ўзига хос диакритик белгилар билан ифодаланиши мавжуд эди. Аммо мазкур шакллар 1995 йил 15 майда ўзгаришга учради ва **sh, ch, ng** диаграфлари қабул қилинди. Мазкур даврда амалдаги лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига ўзгариш киритиш учун саъй-ҳаракатлар қилинса-да, бугун бу ҳолат тўлақонли ҳолда яқун топмаганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Демокчимизки, амалдаги алифбозим **товуш (фонома) билан харфнинг, диакритик белги билан диаграфнинг** фарқи бормайдиган ҳолатда. Шу сабабли, қатъий тарзда айтиш мумкинки, ўзбек графикасидаги бу қадар **ноаникликларни бартараф этиш, йўл қўйилган жузъий камчиликларга нўта кўйиш пайти келди!**

Келинг, аввало, ҳар қандай алифбонини тилга мослаш масаласига тўхталасан. Аслида бошқа тил учун яратилган алифбонини қабул қилишда аслий харфлар олинди ва харфларга алифбонини қабул қилаётган тилдаги харфлар мослаштирилди. Алифбонини ислоҳ қилиш бугуннинг энг долзарб ва зарурли масалаларидан бири бўлмоғи зарур. Амалдаги алифбозимизга киритиш режалаштирилган иккита ўзгариш — **sh, ch** шакллари **ш** ва **с** кўринишига келтириш билан тўлақонли ислоҳ амалга оширилмайди. Олдинда ўзбек графикасида қилиниши керак бўлган жиддий ўзгаришлар етарлича.

Статистик маълумотларга кўра, Ер юзининг 30 фоиздан ортиқ халқлари лотин графикаси асосланган ёзувларига эга. Аммо лотин ёзуви бу халқлар тилидаги барча товушларини тўлиқ акс эттира олмаслиги табиийдир. Ўзбек тилидаги бир неча унли ва ундоз товушлар ҳам бундан мустасно эмас.

Шуни унутмаслик кераки, лотин ёзувининг ўзига бўлган лотин тилида **sh – (j), ch – (j), g – (y, s), ng – (n)**, сиргалувчи **j – (3-журнал)** ва портовчи **j – (фз – жұқа), o' – (ө)** товушлари бўлмаган.

Буни ўзига қабул қилган халқлар ёзувда акс эттириш учун ўз товушларини лотин ёзувидаги яқинроқ бўлган харфнинг ости, усти ёки атрофида турли диакритик белгилар қўйиб (**á, è, à, ÷**) ёки тўрдош товушни ҳосил қилиш учун икки ва ундан ортиқ харфни бирлаштириб яшаш қоидаларидан фойдаланган. Бунда, асосан, икки харфли **диаграф** (**sh, ch, kh, ng**), уч харфли **триаграф** (**sch, dzh, eau**) ва **тетраграф** (**tshch**) лар қўлланган ва ҳозиргача фойдаланилмоқда.

Диакритик белгилар харфлардан кўпроқ лотин ёзувини нисбатан кечроқ қабул қилган, шунингдек, Шимолий ва Баъзи Шарқий Европа ҳамда бир қанча Осиё тиллари, жумладан, **турк, озарбайжон** тилларида фойдаланилади. Тўғри, бугунги алифбозимизда ҳам диакритик белгилар харфлар мавжуд. Булар **O'ó**, **G'g'** харфлари бўлиб, ўзимиздаги ёзув имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган.

Таъкидлаганимиздек, бу жараён қониқарли даражада “пиширилмаган”. Бугунда ўзбек графикасида “26 та харф ва 3 та харфий бирикма мавжуд”, деган “аксиома” ордида ўта жиддий ноаникликлар мавжудлиги, уни бартараф этмай туриб, таълимдаги саводхонлик маданиятига эришиб бўлмади. Келинг, уларнинг айримларини изоҳлашга уриниб кўрайлик.

Ҳар бир тилнинг ёзуви илмий ўзига фавқулодда мос ва мувофиқ бўлиши, шундагина ёзув тилнинг табиий ва тарихий тараққиётига ҳамақат берадигани, тилнинг тугал тозаланишига оидин оҳандорлигига путур

етказмаслиги кўп таъкидланган ҳақиқатлардан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига бошқима-бошқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Алифбо ислоҳотининг бугунги кунда қизгин муҳокамаларга сабаб бўлаётгани ҳам масаланинг ўта жиддий ҳамда масъулиятли эканини аниқлатмоқда. Илтимой тarmoқларда, матбуот саҳифаларида кенг жамoатчилик томонидан билдирилётган мулоҳазаларни қузатар эканмиз, фикримизча, амалдаги алифбозимизда яққол кўзга ташланиб турган, ислоҳ қилинмасда бўлмаган энг катта нуқсонлар ҳам мавжуд.

Кенг жамoатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаси билан танишиб чиққан ҳар бир миллатимиз вакили борки, унга бефарқ бўла олмайдим. Чунки **миллий алифбо ҳар қандай миллатнинг муайян даражадаги савияси, шу билан бирга, қундалик маънавий эҳтиёжи саналади**. Бинобарин, ёзув кишилар ўртасидаги муҳим алоқа воситаси сифатида қундалик илтимой ҳаётда энг фаол амалий жараён ҳисобланиб, у ёки бу кўринишдаги турли ёзишларда ўз ифодасини топади. Мана шундан келиб чиқилган ҳолда ҳар жиҳатдан қўлай бўлган алифбога эҳтиёж туғилиши табиий ҳолдир. Ахборот технологияларининг ривожланиши сабаб қундалик иш қуролмизга айланган телефонлар ёхуд компьютерларда матн ёзиш жараёнида **o'xshamoq** сўзини **oxshamoq** ёки унга яқин бўлган диакритик белги — (!) дан фойдаланган ҳолда **o'xshamoq** кўринишида ёзиш одат тусига кириб қолгани сир эмас. Шу сабабли ушбу имловий ноқисиларни бартараф этиш учун ҳар томонлама қўлай алифбога ҳақли равишда жиддий эҳтиёж етилди. Янги қонун лойиҳасида **кўпчиликини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган баъзи муаммоларни ҳал қилиш** асосий эчимлар тақлиф этилаётганидан **фақат қувонниш мумкин**. Қолаверса, амалдаги алифбонинг тегишли ўзгариши ва тўлдирлиш билан тақомиллаштирилиши саводхонликни оширишга хизмат қилади, ёзув амалиётини осонлаштиради, шунингдек, миллий алифбонинг илмий-таълимий жиҳатдан пухта бўлишини таъминлайди.

Баъзи олимларимиз томонидан тақлиф қилинаётган **“6 унли эмас, 9 унли харф зарур”**, деган эътирозларга ҳам тўхталиб ўтасан. Ҳар бир тилнинг графика ҳамда орфографияси унинг орфоэпик хусусиятларидан келиб чиқади. Тўғри, бизда “o” унли товушининг кенг ва торлик хусусиятлари унинг бошқа-бошқа шаклда қабул қилиниши зарурлигини таъқозо этиши бир жиҳатдан ҳақли эътироз, албатта. Аммо унутмаслик кераки, тилимиздаги жонли диалектик жараён буни кескин рад этиши табиийдир. Чунки ўзбек тилида сўзлашувчилар бошқа қардош тиллар эгалари каби фақат битта лаҳжа (ё фақат қарлук, қипчоқ ёки фақат ўғуз лаҳжаси)да сўзлашаётдилар. Ўзбек тили диалектикасида жуда катта миқёсда учта лаҳжа мавжуд. Булар **шимолий, қипчоқ** лаҳжасидаги унли товушларининг сони қарлук лаҳжасидаги унлилар сонидан фарқ қилади. Шунинг учун **ҳар уч лаҳжа товушларини битта алифбода акс эттиришнинг имкони йўқ**, Ўзбек графикасида олти унлининг амалда бўлиши мазкур диалектик тафовутлар кескинлашувининг олдини олиб, умумхалқ тилининг сайқалланиши, муайян меъёрга солинишига имкон яратиб беради. Бундан ташқари, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни бугун жуда катта авлод олти унли ва 24 ундоз товушини акс эттирган алифбода савод чиқарди ва шу алифбода фикримизни ифода этмоқдамиз. Агар унлилар сони 9 га етказилиб, улар алифбода муайян харфий шакллар билан акс эттирилса, тилимизда мавжуд бўлган омографларга ҳоҳат қолмаслиги мумкин. Аммо **“o'z”** оломиши билан **“o'zmoq”** феълини фарқлаш учун қабул қилинган махсус шакл қайси лаҳжа вакилларига хизмат қилиши мумкин? Ҳолбуки, **“o'z”** оломишининг қарлук лаҳжасида чўзиқ талаффуз қилинган ҳолда қипчоқ лаҳжасида қисқа **“o”** тарзида айтилиши ҳисобга олинса, **“o”** товушини фарқлаб ёзиш жиддий маънақатга айланishi турган гап. Агар бизнинг адабий тил меъёрларимиз монодиа-

лектик хусусият касб этганидан эди, “9 та унлига бўлган эҳтиёж” даъвоси ўзини оқлаши мумкин бўларди. Шу сабабли жонли халқ тилидаги орфоэпик талаблар натижаси ўларoқ, олтига унли билан ишлаш мақсадага **яқинроқдир**.

Ундоз харфлар ҳақида гап кетганда, алифбо лойиҳасидаги **sh, ch** харфий бирикмаларидан воз кечилган ҳолда, **ш, с**, шакли олиниши қабул қилинаётган алифбода диаграфлардан воз кечилиб, диакритик белгиларга ўтишни таъминлайди. Бу эса ўзбек графикасида ёзувни осонлаштиради.

Юқоридagi фикрларимиздан келиб чиқиб, биз алифбо лойиҳасидаги ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларга ўз муносабатимизни қуйидагиларда акс эттирдик:

биринчидан, амалдаги алифбода **o'** ва **g'** бизни энг кўп қийнаётган, техник нуқулгайлик, қолаверса, матнларнинг хатога тўлиб кетишига сабаб бўлаётган харфлар ҳисобланарди. Ушбу харфларни компьютерда ёзишда бир нечта ортиқча амалларни бажариш лозим эди. Улар ислоҳ қилинаётгани, яъни **Ob, Gg** шакли алифбо лойиҳасига киритилганини қўллаб-қувватлаймиз;

иккинчидан, ёзувимиздаги энг катта нуқулгайлардан яна бири **sh** ва **ch** диаграфларидир. Зиёлиларнинг ақсариёти уларни соддалаштириш, миллийлаштириш тарафдор. Чунки халқимиз азал-азалдан **“бир товушга — бир белги” тамоилига** қўниқкан. Қолаверса, бу товушлар, айниқса, **sh** ўзбек тилида жуда фаол товуш ҳисобланиб, араб тилидан ўзлашган **Is'hoq, as'hob** каби сўзлар имлосида ҳам **s** ва **h** харфларининг ёнма-ёнлиги билан **sh** харфий бирикмасини фарқлашда (айниқса, ўзбек тилини ўрганувчи бошқа тиллар вакиллари учун!) жиддий нуқулгайларни туғдиради. Натижада уларнинг матнда кетма-кет келиши ўқиш-ёзиш жараёнида мурраккаблик яратмоқда. Шу сабаб лойиҳада тақлиф қилинган **š** харфи ўрилди;

учинчидан, **hh** ва **xx** харфларининг алифбода алоҳида қайд этилиши жуда муҳим ҳисобланади. Мумтоз адабиётимизда, хусусан, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур асарлари тилида мазкур харфлар иштирок этган жуда кўп сўзлар бор. Уларнинг кўп қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ишлатилмоқда. Бу сўзларнинг ёзилиш шакли ёзувимизда неча асрлардан бери аниқ сифатида давом этиб келмоқда. Шунингдек, бир қанча ўзбек саваларида мазкур товушлар фарқланади. Эзма аъналарга содиқлик, тилнинг ифода имкони ҳамда юқоридagилардан келиб чиққан ҳолда янги алифбода **hh** ва **xx** харфларини алоҳида белгилар билан ифодалаш тўғридир;

тўртинчидан, **ng** ўзбек тилининг қадимий товушларидан ҳисобланади. Уни алифбодан чиқариш битта миллий товушимизни йўқотишга олиб келади. Шу сабабли бу товуш алифбода сақланиши мақсадага мувофиқ;

бешинчидан, ислоҳ қилинаётган алифбодан тутуқ белгиси (!-апостроф)га жой бермаслик **hh** ва **xx** харфларини бирлаштириб юборишдан ҳам номақбул ишдир. Негаки, ўзбек тили жуда узоқ йиллик эзма аъналарга эга тил, яна шу аъналарга содиқлик туфайли бу тилда жуда катта адабиёт яратилди, баъдий баркамоллашди. Бодию тутуқ белгиси чиқарилиб, **hh** ва **xx** харфлари бирлаштирилмаган бўлса, ўзбек тили ўзининг эзма аъналаридан бегоналашади, баъдийиат билан боғлиқ ярим тароватдан айрилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, алифбо ислоҳида учраётган айрим муаммолардан қўчмаслик керак. Жумладан, бу борада гаплар таълим тизимидаги барча дарсликлар учун кетган молиявий маблағларга бориб тақалар экан, айтиш мумкинки, у йилда бир марта қайта наурлар амалга оширилади. Мана шу жараён баробарида мавжуд дарсликларимизни қайта тахрирдан ўтказиш мумкин. Қолаверса, ислоҳ қилинган имло қоидалари тизимидаги бошқа муаммолар ҳам вақти-соати билан ечимини топиши мумкин. Бу осон эмас, албатта, муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Бирок миллат келажаги учун тақомиллашган алифбонини қабул қилиш ҳамда имло ва ёзув билан боғлиқ муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал қилиш энг муҳим вазифадир.

Таъкидлаганимиздек, миллий алифбо ҳар қандай миллатнинг юзи ҳисобланар экан, унинг ҳар жиҳатдан барқарор ва тўқ бўлишини таъминлашга муносиб ҳисса қўймоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир. Алифбо ислоҳидан асосий мақсад эса саводхонликни олдини олишдир. Саводхонлик жамиятда шаклланган ва камол топиши керак бўлган миллий маданиятимизнинг энг асосий белгиларидан биридир. Зеро, тил миллатнинг руҳи, миллий давлатчилик рамзидир, унинг ифодаси эса мукамал ёзувда намоён бўлади.

ХУДУДИЙ ДАСТУРЛАР



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

сифатли маҳсулот, янги иш ўрни ва иқтисодий ўсиш омили

Ҳасан АРАБОВ, журналист

Бундан ўн йиллар илгари Қорақўлда биттагина қўшма корхона бор эди. Бугун эса замон ўзгарди, тадбиркорлик қиламан деб белни маҳкам боғлаб майдонга чиққан инсон учун кенг йўللар очилди. Бунинг тўғридаги ўзгаришлар яққол кўрсатиб турибди. 2020 йилда Қорақўлда 235,4 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. 2021 йилда эса янада жозибадор лойиҳалар амалга оширилади.

Президентимизнинг жорий йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ушбу ҳаётий дастурга асосан, Қорақўл туманини 2021-2022 йилларда янада ривожлантириш мақсадида 340 миллиард 922 миллион сўмлик 55 та лойиҳа бажарилиши устувор вазифа қилиб қўйилди. Шундан санаот йўналишида 19 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 24 та ва қишлоқ ҳўжалигида 12 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Айна пайтда бу йўналишларда ишлаб бoшлаб юборилган. Ҳозиргача 20 миллиард 168 миллион сўмлик 5 та лойиҳа ишга туширилди.

Туманга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш бўйича ҳам аниқ режалар белгилаб олинган. 2021 йилда қиймати 5,4 миллион АҚШ долларига тенг 2 та лойиҳа ижросига киришилди. 2020 йилда 12,38 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 14,2 миллион доллар этиб белгиланди. Январь-март ҳолатига эса 2,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Қорақўл деганда интеллектуал салоҳиятли ёшлар, шижоатли деҳқонлар, алп полковлар юрти тушунилади. Энди буларнинг сафига оқил, ишнинг кўзини билувчи тадбиркорлар ҳам қўшилмоқда. Узоққа бормайлик, бундан бир-икки йил илгари Қорақўлда гурутб заводи ишга тушади, деса ҳеч ким ишонмасди. Энди ишонаверинг.

2021 йилда “BAYRUXO” фермер хўжалиги томонидан бу лойиҳа амалга ошириладиган бўлди. Бунинг учун 17 миллиард 80 миллион сўм сарфланиб, 190 гектар ерга павловния ва калифорния тергаи кўчатларини экиш бошлаб юборилди. Ҳозирги кунга қадар 70 гектар майдонга гурутбон дарактлар кўчати экилди. Мутахассислар фикрича, бу усимликлар еғочидан энг сифатли гурутбон ишлаб чиқариш мумкин. Сифатли маҳсулотнинг харидори эса доимо топилади.

Жорий йилда туманда яна бир жозибадор лойиҳа ишга тушиш арафасида. Туман яйловларида бугунги кунда 250 мингдан зиёд қўй-қўзи боқилмоқда. Аҳоли хонадонларидаги қўй-қўзларни қўшиб ҳисобласан, бу миқдор яна бир қарра қўядади. Демак, бир йилда минг тоннага яқин жун олинади.

Бу жунлар шу пайтгача қичкинди сифатида ташлаб юборилар эди.

Энди бу муаммо ҳал қилинди. “Ferguz Farganj Textile” МЧЖ томонидан жунни қайта ишлаш ва маҳсулот тайёрлаш корхонаси фаолияти йўлга қўйилмоқда. Корхона ишлаб кетиши учун 730 миң АҚШ доллар миқдорига инвестиция ўзлаштирилади. Йилгига 360 тонна қайта ишланган жун, 180 тонна бўялган ип-калава ҳамда 12 миңта аёл ишлаб чиқарилади, юзга яқин иш ўрни яратилади. Энг қўлай томони, хомашё сероб, арзон. Яна бир жиҳати шундаки, қўй жунидан қишки оёқ кийимлар — валенкалар ҳам ишлаб чиқариш мумкин. Корхона мутахассислари бунга истиқболдаги режа сифатида қарамоқда.

Шунингдек, “Қорақўл қумуш калава” МЧЖ томонидан тўқима мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши натижасида 1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

Пахтачилик кластерини ташкил қилган “Мергантекс” МЧЖ ҳам пахта толасидан тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариб, кўплаб мамлакатларга экспортни йўлга қўйган. Ҳозир туманда яна битта шундай корхона қуриш мўлжалланмоқда. Бунинг учун 40 миллиард 200 миллион сўм йўналтирилади.

Мазкур корхонада 150 нафардан зиёд қўлигул тикувчи Қорақўл деҳқонининг пешона тери эвазига етиштирилган хомашёдан олинган матолардан бежирим либослар тикиди. Бу хали ҳаммаси эмас. 2021 йилда нефть ва конденсатни қайта ишловчи завод, пиллани қайта ишловчи, тўқима матоларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти ҳам йўлга қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий дастур доирасида туманда 223 миллиард 447 миллион сўмлик 42 та лойиҳани ишга тушириш мақсадида қизғин иш олиб борилмоқда. Ҳадемай Қорақўл инвестициялар майдонига айланади. Ана шундай бренд остидаги маҳсулотлар жаҳон бозорига ўз ўрнини топса, ҳеч ажабланманг.